

ШАРТНОМА № 86418
(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш)

Тошкент ш.

“ 30 ” 05 2022 йил

“Тошкент вилояти минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Б.Нурматов** бир томондан ва **“MODERN ROAD PROJECT” МЧЖ** (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **М. Эргашев** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан **Бекобод шаҳар Истиқлол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан harid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 86418) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 25 майдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи **Бекобод шаҳар Истиқлол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** (кейинчалик-объект) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган **ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.**

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида **рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-илоvasи “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”**да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

1.7. Ишлар паралел равишда амалга оширилади ҳамда лойиҳа ишлари босқичма-босқич бажарилади ва топширилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан **ҚҚС билан 1 000 000 (Бир миллион) сўми** ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-илоvasидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида **рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.**

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, **топшириш-қабул қилиш даволатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.**

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман ҳокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлигандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи

шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатиш даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуқсонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаб харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган ҳужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслигининг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ҳулоса учун мурожат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқишини натижасида ҳал қилинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ҳазначилиқда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга роя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиштирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

3-илова - Манзилли рўйхат.

10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар,
Бобур кўчаси 119-уй.

Ш/х: 4017 2286 0274 1370 4520 1118 001

ИНН: 304 943 564, МФО 00895 ОКЭД: 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ҳазначилигининг

Амалиёт Бошқармаси

х/р. 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201129919



Директор

Б.Нурматов

“Бажарувчи”

“MODERN ROAD PROJECT”
масъулияти чекланган жамияти

Тошкент вилояти, Окқўрғон ш.,

Р.Мўминова кўчаси, 2а-уй

тел: (95) 199 10 04, (90)986-44-22

Х/р: 20 208 000 905 025 085 001

АТИБ “Ипотека банк”

Тошкент ш. амалиёт бўлими

МФО: 00419-СТИР: 302 525 436

ОКЭД 71.12.0

ҚҚС коди: 3270 7003 7768

Директор

М. Эргашев



2022 йил « 30 » 05 даги
86418 сонли шартномага 1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар Бекобод шаҳар Истиклол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш 2022 йил « 30 » 05 даги 86418 -сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 1 000 000 (Бир миллион) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар,
Бобур кўчаси 119-уй.

Ш/х: 4017 2286 0274 1370 4520 1118 001
ИНН: 304 943 564, МФО 00895 ОКЭД: 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилигининг

Амалиёт Бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201129919



Директор

Б.Нурматов

“Бажарувчи”

“MODERN ROAD PROJECT”

масъулияти чекланган жамияти

Тошкент вилояти, Оққўрғон ш.,

Р.Мўминова кўчаси, 2а-уй

тел: (95) 199 10 04, (90)986-44-22

Х/р: 20 208 000 905 025 085 001

АТИБ “Ипотека банк”

Тошкент ш. амалиёт бўлими

МФО: 00419 СТИР: 302 525 436

ОКЭД 71.12.0

ҚҚС коди: 3270 7003 7768



Директор

М. Эргашев

2022 йил "30" 05 даги
86418 -сонли шартномага
2 -илова

Бекобод шаҳар Истиклол ва Цементчи МФИдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	2022 йил
	Аванс миқдори				300 000
1	Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш		19	1 000 000	700 000
	Жами:	1 000 000	19	1 000 000	1 000 000



Буюртмачи



Бажарувчи

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 86418 на приобретение Бекобод шаҳар Истиқлол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 25.05.2022

Время рассмотрения 24.05.2022 11:23

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти минтакавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Директор	"Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK
Секретарь комиссии	JUMAYEV SUXROB UKTAM O'G'LI	Bosh mutaxassis	"Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK
Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati Moliya Bosh boshqarmasi
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi yo'l-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassisi	Toshkent viloyati hokimiyati
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси инспектори	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.05.2022 года № лота 86418.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Бекобод шаҳар Истиқлол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 000 000.00
Стартовая сумма	15 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охирги йилда 50 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 50 млн. сўм ва ундан юқори. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамида маблағлар мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	34	34	30	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	34	34	10	Экспертная		
SAMOIY NUR LOYIHA mas'uliyati cheklangan jamiyati	34	34	28	Экспертная		

Критерий №2 V. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	2	2	0	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	2	2	0	Экспертная		
SAMOIY NUR LOYIHA mas'uliyati cheklangan jamiyati	2	2	2	Экспертная		

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп (ҳар бирига 2 балл). 2. Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс(ABC4-uz) 1 та. 3. Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп. 4. Ўлчов асбоблари (шагомер, метр ва ҳк..) 1 та

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	20	20	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	20	20	16	Экспертная		
SAMOIY NUR LOYIHA mas'uliyati cheklangan	20	20	16	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
jamiyati						

Критерий №4 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошлангич нархнинг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	25	25	25	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	25	25	15	Экспертная		
SAMOY NUR LOYIHA mas'uliyati cheklangan jamiyati	25	25	25	Экспертная		

Критерий №5 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ҳамда архитектор ходимларни мавжудлиги. 3. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги. 4. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. 6. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	19	19	13	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	19	19	13	Экспертная		
SAMOY NUR LOYIHA mas'uliyati cheklangan jamiyati	19	19	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"MODERN ROAD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	15 000 000.00	14 000 000.00	21.05.2022 20:57:57	2.14
OOO FREIGHT SERVICES	15 000 000.00	12 000 000.00	23.05.2022 11:09:45	

SAMOY NUR LOYIHA mas`uliyati cheklangan jamiyati	15 000 000.00	1 000 000.00	23.05.2022 13:06:07	30.00
---	---------------	--------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	61.6	2.14	63.74
ООО FREIGHT SERVICES	37.8		37.8
SAMOY NUR LOYIHA mas`uliyati cheklangan jamiyati	63	30	93

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 86418 от 25.05.2022 года на приобретение Бекобод шаҳар Истиқлол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш определила победителем:

SAMOY NUR LOYIHA mas`uliyati cheklangan jamiyati
302992560

и резервный исполнитель: "MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302525436)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгашининг 2022-йил 12-апрелдаги VI-64-56-10-149-K/22-сонли қарорига асосан шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланиган ички йўллارни таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун

МАНЗИЛИЙ РЎЙХАТИ

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугаланиши йили	Дойнахвий қуввати, тегишли ўлчов бирликларида (кв/м)	Таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисобидан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисобидан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил режаси				2022 йилда ишга туширилиши		Объектнинг қолғуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Объектнинг қолғуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Дойнаха экспертиза синаси ва рақами	Тендер шартномаси тасдиқланган сина ва рақами	Пудрат қурилиш ташкилотлари	Мян. сўм	
								Жами маблағлар лимити	ҚМИ	Жикозлар	Шу жумладан		Қуввати ва муддати							Асосий фондлар
											Буюртмачининг бошқа харажатлари									
											Жами	Шундан буюртмачининг саклаш харажатлари								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
	Тошкент вилояти Бекобод шаҳар бўйича жами:	2,5					1 000,000	940,000		60,000	40,000									
1	Истиклол ва Цементчи МФЙдаги Бекобод-дон корхонасидан бошлаб Фарход чегара постига қадар автомобил йўлини таъмирлаш	2022 й	2,5				1 000,000	940,000		60,000	40,000								Танлов (тендер) асосида	

*Изоҳ: Параметрларга лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб давлат экспертиза қўриғидан ўтказилиб тендер натижасидан сўнг аниқлик киритилади.

